



МАЪМУРИЙ НАЗОРАТ ОСТИДАГИ ШАХСЛАР БИЛАН ОЛИБ БОРИЛАДИГАН ПРОФИЛАКТИК ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИНГ МОЎЖИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ

Ахмедов Ҳамробек Эркинович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва криминология
кафедраси катта ўқитувчиси,

юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

<https://www.doi.org/10.37547/ejlfas-v03-i03-p1-08>

ARTICLE INFO

Received: 25th February 2023

Accepted: 05th March 2023

Online: 06th March 2023

KEY WORDS

ABSTRACT

Сўнгги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш ва жиноятчиликка қарши курашиш сиёсатида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ўрни ва роли сезиларли даражада ортиб бормоқда. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида ҳуқуқбузарликлар ижтимоий профилактикасининг аҳамияти ошиб бормоқда.

Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг таъбири билан айтганда, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг мутлақо янги тизими яратилди. Фақат жазолаш билан қўрқитиб, ҳуқуқбузарликларнинг оқибати билан курашиш эмас, балки ноқонуний ҳаракатлар содир этилишининг барвақт олдини олиш энг долзарб вазифага айланди”¹.

Криминологияга оид айрим адабиётларда рецидив жиноятчиликнинг ўзига хос сабаб ва шарт-шароитлари: муқаддам судланган шахсларнинг оиласида юзага келган салбий муносабатлар; уларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга оширишда вужудга келадиган муаммоларни ҳал этишга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар; жазони ижро этиш муассасаларидаги салбий муҳит; муқаддам судланган шахслар билан профилактик ишлар ҳамда улар устидан маъмурий назорат олиб боровчи субъектлар фаолиятидаги хато ва камчиликлар билан боғлиқ криминоген омилларга ажратилади².

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳар бир тури ўзининг мақсади, вазифаси, ўзига хос хусусиятлари ва афзалликлари асосида ишлаб чиқилган профилактик чора-тадбирлар тизимига эга. Мазкур чора-тадбирлар тизимининг қанчалик пухта ўйланиб,

¹ Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустақам пойдеворидир / Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2017. – 8 дек.

² Исмоилов И., Сатторов Ч. Рецидив жиноятчилик ва унинг олдини олиш муаммолари. – Т., 2000. – Б. 14-15.



ишлаб чиқилганлиги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси турларининг самарадорлигини кафолатлайди³.

Айни шу асосда маъмурий назорат остидаги шахслар билан олиб бориладиган профилактик чора-тадбирларни турлари ва қўллаш асосларини ёритишдан аввал уларнинг моҳияти ва аҳамиятини таҳлил қилиш ўринли ҳисобланди. Мантиқан қараладиган бўлса, жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ўрнатиладиган маъмурий назорат институти ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси чора-тадбири ҳисобланади. Шу билан бирга, назорат остидаги шахсларга нисбатан ҳуқуқбузарликлар яқка тартибдаги профилактикасининг бошқа чора-тадбирлари (масалан, профилактик суҳбат, расмий огоҳлантириш, ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш каби) ҳам қўлланилади.

Айни шу нуқтаи-назардан маъмурий назорат остидаги шахслар билан олиб бориладиган профилактик чора-тадбирларнинг мазмунини очиб беришда “ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирлари” тушунчасининг моҳиятига асосланиш тўғри бўлади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида қайд этилишича, “чора” (форсча) – “бирор ишни, мақсадни амалга ошириш, рўёбга чиқариш ёки унинг олдини олиш учун пухта ўйлаб тузилган, ишлаб чиқилган тадбирлар мажмуи”, “тадбир” эса, “мақсадни амалга ошириш йўлидаги иш, хатти-ҳаракатнинг ўзи”, “маълум мақсадда ташкилий равишда амалга ошириладиган (бажариладиган) иш ёки ишлар” маъноларини англатади⁴. Кўриниб турибдики, икки тушунчанинг мазмуни ўзаро яқин ҳамда бир-бирини мантиқан тўлдиришга хизмат қилади.

Демак, **маъмурий назорат остидаги шахслар билан олиб бориладиган профилактик чора-тадбирлар** деганда – улар томонидан такроран ҳуқуқбузарлик содир этилишини олдини олиш мақсадида уларга яқка тартибдаги тарбиявий-профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган тадбирлар ҳамда хатти-ҳаракатлар мажмуини тушиниш лозим.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирларининг доираси ҳозирга қадар баҳс-мунозарага сабаб бўлаётган масалалардан бир бўлиб, бир қатор ҳуқуқшунос олимларнинг диққатини ўзига тортган. Жумладан, ҳуқуқшунос олимлар И. Исмаилов, Қ.Р. Абдурасулова ва И.Ю.Фозиловлар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирлари тизимига қуйидагиларни киритиш мумкин деб эътироф этади:

- 1) ҳуқуқий чора-тадбирлар;
- 2) тарбиявий-профилактик чора-тадбирлар;
- 3) ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирлар;
- 4) маънавий-ахлоқий чора-тадбирлар;
- 5) тиббий чора-тадбирлар;
- 6) психологик чора-тадбирлар;
- 7) ташкилий чора-тадбирлар;

³ Хужакулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш (ички ишлар органлари фаолияти мисолида): юрид. фан. фалс. докт. ... дисс. – Т., Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – Б. 75.

⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80.000дан ортик сўз ва сўз бирикмаси / А.Мадвалиевнинг таҳрири остида // <https://ziyouz.uz/durdona-toplamlar/uzbek-tilining-izohli-lugati/> (мурожаат вақти: 29.08.2021).



8) бошқа чора-тадбирлар”⁵.

Пенитенциар тизимнинг профилактик функциясини тадқиқ этган Н.С. Салаев “профилактик чора-тадбирлар” доирасини асосий икки турдаги: 1) тиббий – касалликларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар мажмуи; 2) ҳуқуқий – ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи сифатида тушунади⁶. Бу тасниф албатта тадқиқот предмети нуқтаи-назаридан шаклланганлигига шубҳа йўқ. Бироқ профилактик чора-тадбирлар мақсадига эришиш учун камлик қилади.

С.Б. Хужакулов томонидан олиб борилган тадқиқотларда эса, мазкур чора-тадбирлар ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа (иқтисодий, тарбиявий, ташкилий, информацион, махсус ва ҳ.к.) чора-тадбирлар сифатида эътироф этилади⁷. Ш.Р. Ғофуров эса, С.Б. Хужакулов томонидан берилган таснифга профилактик таъсир чораларининг бирма-бир кўрсатилгани натижасида уларнинг доираси чегараланиб қолиши мумкинлиги билан боғлиқ ваз асосида ушбу фикрга қўшилиб бўлмаслигини илгари суради⁸. Умуман олганда, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирлари қўлланилиш доирасидан келиб чиқиб, ушбу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Бироқ ички ишлар органларининг маъмурий назоратга олинган шахслар билан амалга оширадиган профилактик чора-тадбирларининг аҳамияти – ушбу фаолият якунида эришилган ижобий натижалар билан белгиланади.

Шу билан бирга, айрим юридик адабиётлар⁹ ва миллий қонунчилик нормаларида¹⁰ таҳлил қилинаётган категория ўрнида “профилактик ишлар” тушунчасини ҳам қўллаш ҳолатларини кузатиш мумкин. Бироқ назаримизда мазкур тушунча “профилактик чора-тадбирлар”га нисбатан анча торлиги сабабли, ҳуқуқбузарлик профилактикасининг мақсад ва вазифаларини белгилашда ундан фойдаланиш самара бермайди.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон қонунининг 29-моддасида маъмурий назорат ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикасининг чора-тадбири сифатида кўрсатилган. Мазкур қонуннинг 41-моддасида “Ички ишлар органларининг

⁵ Криминология. Умумий қисм: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик / И.Исмаилов, Қ.Р.Абдурасулова, И.Ю.Фазилов; Масъул муҳаррир Ш.Т. Икрамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б. 190.

⁶ Салаев Н.С. Пенитенциар тизимнинг профилактик функцияси самарадорлигини ошириш: юрид. фан. докт. (DSc) дис.... автореф. – Т., 2017. – Б. 15.

⁷ Хужакулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш (ички ишлар органлари фаолияти мисолида): Юрид. фан. фалс. докт. (PhD) дис.... автореф. – Т., 2018. – Б. 20.

⁸ Ғофуров Ш.Р. Уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш (ички ишлар органлари фаолияти мисолида): Юрид. фан. фалс. докт. (PhD) Дисс. – Т., 2019. – Б. 51.

⁹ Жаббарбергенов Р. Озодликдан маҳрум қилиш жойларидан бўшатишга мослаштириш – рецидив жиноятларнинг олдини олиш йўналиши // Ёш олимлар илмий мақолалари тўплами. – Т., 2004. – Б. 225; Мухторов Ж.С. Илгари судланганлар томонидан жиноят содир этилишининг олдини олиш // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2016. – № 1. – Б. 51.

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-263-сон қонунининг 3-боби 20–24-моддалари (Яқка тартибдаги профилактика ишини ташкил этиш) // URL: <https://www.lex.uz/acts/1685726> (мурожаат вақти: 29.08.2021); Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 августдаги “Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 490-сон қарорининг 6-боби (Марказда вояга етмаганлар билан яқка тартибдаги профилактика ишларини ташкил этиш тартиби) // URL: <https://lex.uz/docs/5550539#5558871> (мурожаат вақти: 29.08.2021).



жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахслар устидан маъмурий назорати *тарбиявий-профилактик таъсир кўрсатиш чора-тадбирлари мажмуидан* иборат бўлади ва назорат остидагиларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган чекловларни қўллашда ўз ифодасини топади”, – деб кўрсатилган.

Демак, назорат остидаги шахсга нисбатан тарбиявий-профилактик таъсир кўрсатиш чора-тадбирлари муҳим аҳамият касб этади. Умуман олганда, бу борада тарбиявий-профилактик таъсир кўрсатиш чораларининг доирасини аниқлаб олиш талаб этилади.

Фикримизча, маъмурий назорат остидаги шахслар билан олиб бориладиган ҳуқуқбузарликлар якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирларини уларнинг хусусияти, қўллаш шартлари ва асосларидан келиб чиқиб қуйидаги **устувор йўналишлар**га ажратган ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқдир:

- 1) ҳуқуқий чора-тадбирлар;
- 2) ижтимоий чора-тадбирлар;
- 3) ташкилий чора-тадбирлар;
- 4) маънавий-ахлоқий чора-тадбирлар.

Маъмурий назорат остидаги шахслар билан олиб бориладиган **ҳуқуқбузарликлар якка тартибдаги профилактикасининг ҳуқуқий чоралари**: назорат остидаги шахсларнинг хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатлари доирасини белгилаб берувчи, уларга нисбатан қонунда белгиланган маъмурий чекловлар ва бошқа мажбуриятларнинг бажарилишини кафолатловчи қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш, назорат остидаги шахсларни ахлоқан тузатиш ва уларда ижобий дунёқарашни шакллантириш, назорат остидаги шахслар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш кабилардан иборат.

Назорат остидаги шахслар билан олиб бориладиган ҳуқуқбузарликлар якка тартибдаги профилактикасининг ижтимоий чоралари уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлашга йўналтирилган. Мазкур чора-тадбирларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- 1) назорат остидаги шахснинг ижтимоийлашувини амалга ошириш (ресоциализация қилиш);
- 2) назорат остидаги шахснинг бандлигига ҳамда моддий ёрдам олишига кўмаклашиш;
- 3) назорат остидаги шахснинг турар жой, яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтиши ва шахсни тасдиқловчи (бошқа кафолатлар берувчи) ҳужжатларини расмийлаштиришга кўмаклашиш.

Назорат остидаги шахслар билан олиб бориладиган **ҳуқуқбузарликлар якка тартибдаги профилактикасининг ташкилий чоралари** мазкур йўналишдаги фаолиятни режалаштириш, тадбирларни уюштириш (ташкил этиш), фаолиятни назорат қилиш, ҳисобини юритиш ва мувофиқлаштириш кабиларни қамраб олиши лозим. Шу боис фикримизча, қуйидагиларни бундай чора-тадбирлар қаторига киритиш лозим бўлади:



- 1) маъмурий назорат муддати мобайнида назорат остидаги шахсларнинг ҳисобини юритиш, шу жумладан уларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори ва ниятлари тўғрисида ахборот тўплаш;
- 2) назорат остидаги шахсларнинг ўзига нисбатан белгиланган маъмурий чекловларга риоя этиши ва яшаш, иш, ўқиш ёки хизмат жойи бўйича зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариши устидан назоратни амалга ошириш;
- 3) назорат остидаги шахс билан унинг ҳуқуқбузарликлар содир этишининг олдини олишга қаратилган яқка тартибдаги профилактика ишларини амалга ошириш;
- 4) назорат остидаги шахсларнинг ўзига нисбатан белгиланган маъмурий чекловларни бузганлиги ва зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаганлиги фактларини аниқлаш ҳамда хужжатлаштириш бўйича чоралар кўриш.

Ҳуқуқбузарликлар яқка тартибдаги профилактикасининг маънавий-ахлоқий чоралари. Маъмурий назорат остидаги шахсларнинг ахлоқан тузалиши, маънан етук бўлиб шаклланиши унинг ҳуқуқбузарликлар содир этишдан ўзини ўзи тийишини кафолатлайди.

Назорат остидаги шахсларнинг муваффақиятсизликка учрайвериши (ишсизлиги, турар жойига эгасизлиги, таълим олиш имконига эга бўлмалиги ва ҳ.к.) уларнинг маънавий-ахлоқий қадриятларига ҳам салбий таъсир қилади. Бу эса яна ҳуқуқбузарлик содир этилишига сабаб бўлган омилларни юзага келтиради. Шунинг учун бундай тоифа билан тарбиявий таъсирга эга чора-тадбирларни кенг кўламда ўтказишга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Маъмурий назорат остидаги шахсларнинг содир этган жиноятлари ижтимоий хавфлилик даражаси бошқа турдаги жиноятларга нисбатан юқори ҳисобланади. Шу боисдан, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан маъмурий назорат ўрнатилиши қонунчиликда белгиланмаган, аксинча, айрим тоифадаги илгари судланган шахсларга нисбатан ўрнатилиши тартиби белгиланган.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда маъмурий назорат остидаги шахслар билан ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикасини амалга оширишда улар содир этган жиноятлар таҳлили ва уларнинг содир этилиши механизми ҳамда суд томонидан ҳукмда белгилаб берилган жиноий жазоларга ҳам алоҳида эътибор қаратилишини талаб этади.

Адолатли жазо тури суд томонидан нисбатан осон аниқланиши муҳим шартлардан бири ҳисобланади. Шу туфайли ҳам муқобил санкциядаги ўртача жазо, яъни модданинг санкциясида оғирлик даражасига кўра ўртача хусусиятга эга бўлган жазо тўғрисида сўз юритиш мумкин¹¹.

Ушбу масала хусусида А.С.Якубов ва У.А.Абдуғаниевлар ҳам “жиноят содир этган муайян шахсга нисбатан қилинган айбни баҳолаш унга мувофиқ келадиган жазони ёки бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини аниқлашда ифодаланади. Бу муносабатлар қонунни қўллаш даражасида, яъни қонунга кўра ваколатли бўлган идоралар ва

¹¹ Мансуров М. Муқобил санкцияларни тузишда адолат мезонини таъминлаш масалалари // Жиноят ҳуқуқи ва жиноят процессининг долзарб муаммолари. Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. – Б. 104.



шахслар даражасида жорий этилади. Айни ана шу даражада жиноят-ҳуқуқий муносабат пайдо бўлади. Шундан келиб чиқиб, ушбу моддада содир этилган жиноятга қонунни қўлловчи томонидан одил жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини белгилаш учун ҳам мезонлар мавжуд”¹², деган хулосага келган.

Демак назорат остидаги шахсларга нисбатан энг самарали профилактик чораларни қўллаш орқали улар томонидан такроран жиноят содир этилишини олдини олиш жамият аъзолари учун катта ижтимоий хавф туғдирадиган жиноятларга барҳам беришни таъминлайди.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, ички ишлар органларининг маъмурий назоратга олинган шахслар билан амалга оширадиган профилактик чоратadbирларининг аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади дейишимиз мумкин:

- 1) жамиятда ижтимоий хавфи юқори бўлган оғир ҳамда ўта оғир турдаги жиноятлар содир этилишини олдини олиш орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шунингдек қонуний манфаатларини тўлиқ таъминлашга эришиш;
- 2) қонун устуворлигини таъминлаш орқали ижтимоий адолатни ўрнатишга кўмаклашиш;
- 3) жамият аъзоларининг, айниқса оилаларда тарбияланаётган ёш авлодни келгусида фойдали инсон бўлиб етишида рол ўйнайди;
- 4) ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олди олиниши фуқароларда давлат ва унинг ваколатли органларига нисбатан, шунингдек қонун устуворлигига бўлган ишончнинг ортишига хизмат қилади.

¹² Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. – Тошкент: Адолат, 2015. – Б. 16.